

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 249 (1038), 2023 йил 30 ноябрь, пайшанба



СУВНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА ФАВҚУЛОДДА ИШ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, қатта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилиняпти.

Лекин шу ҳолатда ҳам сувдан самарасиз фойдаланиляпти. Мамлакатимиздаги жами сув ресурсларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигида сарфланяпти. Масалан, юртимизда бир гектар пахта майдонини сўғориш учун йилга 10-11 минг куб метр сув сарфлангани ҳолда, иқлими ва ери бизникига ухшаш мамлакатларда бундан 2-3 баравар кам сув ишлатиляпти. У ҳам бўлса, сувни тўғри бошқариш, исроф қилмаслик ҳисобига.

Сув хўжалигига ҳар йили ўртача 1 миллиард доллар маблағ йўналтирилмоқда. Бу соҳа бюджетдан маблағ олиш бўйича таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигидан кейин 4-ўринда туради. Аммо тизимда ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмагани, сув ресурсларини бошқаришда эскича ёндашувлар сақланиб қолгани учун самара кам.

Йиғилишда бу соҳадаги муаммолар, янги ташаббус ва вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига ўтилишини таъкидлади.

Бунда биринчи муҳим вазифа — канал ва ариқларни бетонлаш. Ҳисоб-китобларга кўра, бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр ёки 36 фоиз сув ҳеч қандай иқтисодий самарасиз исроф бўляпти. Энг кўп сув йўқотишлари Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий, Хоразм ва Бухоро вилоятларида тўғри келади. Каналларнинг охирида жойлашган 175 минг гектар экин майдонидан сув таъминоти жуда оғир.

Умуман, сув йўқотишлари оқибатида иқтисодий ҳисоб-китоб йилга 5 миллиард доллар даромад бой берилляпти.

Шу боис, сув хўжалигида “каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” эълон қилинди. Келгуси йилда 1 минг 500 километр, яъни бу йилгига

нисбатан 4 баробар кўп йирик каналларни бетонлаш вазифаси белгиланди. 2025 йилдан бошлаб камида 2 минг километрдан каналларни бетонлашга ўтилади.

Бунинг учун ноябрь-март ойлари энг қулай вақт экани, лойиҳаси тайёр каналларда қурилишни ҳозирдан бошлаш кераклиги қайд этилди. Вилоят ва туман ҳокимларига бир йил ичида 3 минг 500 километр ички тармоқларни бетон қопламага ўтказиш топширилди. Бундан манфаатдор кластер ва фермерларга махсус техника ва қурилиш материалларидан ердამлашиб, харажатларни 2 карра камайтириш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи муҳим вазифа — сув тежовчи технологияларни жорий қилиш.

Мамлакатимизда 4,3 миллион гектар сўғориладиган ер бўлиб, шундан 30 фоизига сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Бундай кластер ва фермер хўжалиқларида сув 30-40 фоизга, ўғит ва ёқилги 25-30 фоизга тежаланиши билан бирга, ҳосилдорлик ошган.

Лекин сув етказиш таннархи жуда қimmat бўлган Қашқадарёда бундай усулда сўғориладиган ерлар атиги 16 фоизни ташкил этади. Сув тежашда энг содда агротехник тадбир бўлган ерни лазерли текислаш ишлари ҳам етарли эмас. Бундай майдонлар Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 10 Ҳоиздан кам.

Бунинг сабабларидан бири — сув тежовчи технологияни жорий қилган фермерларга кредит фойзининг бир қисмини қоплаш тартиби ишламаяпти. Шу боис, йиғилишда бу бўйича янгича молиялаштириш тизими белгиланди. Унга кўра, кластер ва фермерларга сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун икки йиллик имтиёзли давр билан беш йилга 14 фоизли кредит ажратилади. Бунинг учун очиқ-ошқора платформа ишга туширилади. Ҳам банк билан, ҳам таъминотчилар билан шартнома электрон платформа орқали онлайн имзоланади.

Мутасаддиларга бунинг молиявий-ташқилий жиҳатлари бўйича кўрсатмалар берилди. Сув тежаш жорий этилган майдонларни ҳар йили кенгайтириб бориш, Туркия, Испания ва Хитойнинг бу бўйича тажрибасини ўрганиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси уч йилда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасининг 15 фоизи ва лазерли текислагичнинг 30 фоизини субсидиялаш амалиёти давом эттирилади. 2026 йилгача ҳамма экин ерлари лазерли текисланади. 2026 йилдан кейин лазерли текисланмаган ерларга нисбатан ер ва сув солиқлари кескин оширилади.

Учинчи муҳим вазифа — сувни етказиш харажатларини қисқартириш.

Бугунги кунда кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар 1 куб метр сувга ўртача 212 сўм харажат қилиняпти. Лекин Бухоро, Қашқадарё ва Наманганда бу 2-3 баробар қimmat.

Шу билан бирга, сув харажатининг 63 фоизи насос станциялари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, сўғориш учун йилга 7 миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланади. Чунки сув насосларининг 80 фоизи эскирган, энергия сарфи юқори.

Давлатимиз раҳбари бу харажатларни камайтириш ва самарадорлиқни оширишнинг энг тўғри йўли — насосларни модернизация қилиш ва уларни бошқаришни хусусий шерикликка бериш эканини таъкидлади.

Бу борада бир неча лойиҳа бошланган. Бу ишларни жадаллаштириб, халқро молия ташкилотлари иштирокида 95 та насос станциясини янгилаш, келгуси йил бошида яна 118 таси бўйича тендер эълон қилиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, хорижий компаниялар 268 та насосни бошқарувга олиш ташаббусини билдирган.

Умуман, ушбу чоралар орқали келгуси йили насосларнинг электр сарфини 300 миллион киловатт-соатга, кейинги уч йилда эса 1,5 миллиард киловатт-соатга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Сув хўжалиги вазирига халқро молия ташкилотлари билан бирга, насосларни модернизация қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш топширилди. Соҳада замонавий бошқаруви жорий этили, сув ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда сув хўжалиги вазири, ҳокимлар ва бошқа раҳбарларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибидеги долзарб масалалар, шу жумладан, жорий йил 5-7 октябрь кунларидаги Россия Федерациясига олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши қўриб чиқилди.

Этакчилар Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб, кўп қиррали ҳамкорлик кенгайиб бораётганини қайд этидилар.

Узаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръати сақланмоқда,

иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, ҳудудлараро алоқалар ривожланмоқда. Кунни кеча Жиззах вилоятида биргаликда ташкил этилган йирик агрологистика мажмуаси ишга туширилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари маданий-гуманитар аламинув фаол кечаятгани ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида дастурлар амалга оширилаётганини ҳам олқишлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН БААДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь - 2 декабрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун Дубай шаҳрида бўлади.

Иқлим бўйича глобал саммитда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларининг давлат ва ҳукуматлари, нуфузли халқро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашади.

Тадбир кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси асосий қоидаларини амалга ошириш, бугунги экологик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, “яшил” тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлаши ҳамда қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда мамлакатимиз Париж битими иштирокчиси бўлди.

ЎЗА

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

УЧ МОДДАДА МУЖАССАМ КЕЛАЖАК

Дунё телеэкранлари сингари телеканалларимизни тўлдирган турли сериалларнинг ҳам сон-саногига етиб бўлмай қолди. Улардан аксариятининг умри намойиш қилинган куннинг ўзидаёқ тугайди, изсиз-таъсирсиз йўқ бўлади. Бироқ жаҳон киноиндустрияси томонидан яратилган шундай дурдона асарлар борки, уларнинг моҳияти бир-икки инсоннинг эмас, бутун бир халқлар, миллатлар раванқига-да туртки бериши мумкин. Назаримда, шундай ибратли асарлардан бири япон киноижодкорлари яратган “Ошин” телесериалидир.



Мазкур фильм бугунги Япониянинг қай тарзда оёққа тургани, XX асрда кечган икита жаҳон уруши, тақдирнинг яна бошқа аянчли синовларида тобланиб, ниҳоят буюқ тараққиётга эришгани хусусида яхлит ҳикоя қилади.

Давоми 3-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ИЭС — МИНТАҚАДАГИ ЭТАЛОН ЛОЙИҲА

3,3 миллион хонадоннинг бир йиллик истеъмолини қоплаш имконини беради

Яқин келажақта инсониятнинг табиий ресурслар, хусусан, электр энергиясига талаби ортиб бораверади. Ҳозирги шароит ҳам шунини кўрсатиб турибди. Юртимизда охириги олти йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 61 миллиард киловатт-соатдан 74 миллиард киловатт-соатга ёки олдинги ҳолатга нисбатан 1,2 баробар ошгани

бунинг ёрқин мисоли. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур кўрсаткич 2030 йилга бориб, 110 миллиард киловатт-соатга етиши мумкин. Мавжуд эҳтиёжни таъминлаш осон эмас, бунинг учун тежамкор технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириб бориш талаб этилади.

Давоми 4-бетда

ОГОҲЛИК

ЎЗАРО ИШОНЧ, БИРДАМЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ

тинч ҳаётимиз, фаровонлигимиз учун мустаҳкам асосдир

Янги Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида халқимизни маънавий-мафқуравий ва ижтимоий-сиёсий фаоллаштириш асосий вазифаларимиздан саналади. Бинобарин, бугун дунё сахнида юз бераётган мафқуравий жараёнлар биздан огоҳ бўлишни, фуқароларимизнинг онги ва қалбини забт этиши мумкин бўлган турли таҳдидлардан химоя қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА ТУШГАН ОН...

Ўзбек олимасининг микробиология соҳасидаги тадқиқотлари дунё эътирофида



Университетни тамомлаб, олий таълимнинг кейинги босқичини давом эттириш — бу ҳали олимлик дегани эмас. Чинакам йил йўли анча узок ва машаққатли. Бу йўлдан юриш хотин-қизлар учун икки карра қийинроқ. Чунки улар бир қўлида оила аталмиш кўрғонни, бошқа қўлида илми туттиши керак. Ана шундай машаққатлардан чўчимай, салкам ўттиз йиллик умрини илм-фанга бағишлаган ўзбек олимаси, микробиолог Дилфуза Эгамбердиевани хорижда ҳам яхши танишади.

У Стенфорд университети талқинига кўра, 2000 йилда дунёнинг энг яхши 2 фоиз олимлари рўйхатига киритилган. Шу йил ноябрь ойининг илк кунларида эса микробиология бўйича нуфузли ЮНЕСКО — Карлос Финлей муқофотининг жорий йили ягона соҳибига айланади.

Давоми 5-бетда

ХОКИМ ЁРДАМЧИСИ КУНДАЛИГИ

СЎРХТЕПАНИНГ “ЎСИШ” НУҚТАЛАРИ

Раънохон ХОЖИБОЛАЕВА, Фаргона шаҳри “Сўрхтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси



“Ҳоким ёрдамчилари Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари ҳар қандай бюрократиядан холи бўлиши, ҳеч қайси ҳоким ёки раҳбар уларни мажлисларга чақирмаслиги, турли ҳисоботлар билан кўмиб ташламастлиги лозим. Ҳокимлар улар учун фақат шароит яратиб бериши керак”.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15 январь куни маҳаллабўйicha ишлаганини янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида айтган ушбу сўзлари наники менга, барча ҳамкасбларимга қанот бахш этиб, янгидан-янги лойиҳа ва голялари ишга со-

2-6 сотихгача томорқага эга. Улар боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланади. Хатлов давомида 152 нафар ишсиз борлиги, шундан 56 нафари хотин-қиз ва ёшлар экани, норасмий секторда фаолият кўрсатаётганлари сони 430 дан ортиқлиги аниқланди. Ижтимоий гуруҳларга келганда, биринчи тоифа — даро-



лишда таянчу суянч бўлиб келяпти, десам ҳеч муволаға қилмаган бўламан. Бизга ҳар қандай юмушни бажариш ёки лойиҳани илгари суришда, аввало, маҳалламиз оқсоқоллари ва фаолларининг кўмаги, маслаҳати ҳал қилувчи омил бўляпти. Бу, айниқса, 2022 йил бошида фаолиятимизни маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “хонадонбай” ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжини таҳлил қилишдан бошланганимизда жуда қўл келди. Натижада ўтказилган хатловдан кейин маҳалладаги барча ижобий ва салбий жиҳатлар қафдағидай намоён бўлди.

ХАТЛОВ ХУЛОСАЛАРИ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

Сўрхтепа маҳалласи Фаргона шаҳрининг энг чекка худуди бўлиб, Маргилон шаҳри билан деярли чегарадош. Бу ерда 1 минг 200 дан ортиқ оилада қарий 4 миң 200 киши (асосан, ҳовилларда) яшайди. 748 хонадоннинг аксарияти

мади кам, ишсизлари бор, даромад топишга ҳаракат қилаётган хонадонлар 34 та (4,5 фоиз); иккинчи тоифа — доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш астаги бор хонадонлар 452 та (60,4 фоиз); учинчи тоифа — ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, имконияти чекланган шахслар бўлган хонадонлар 60 та (8,1 фоиз); туртинчи тоифа — иқтисодий аҳоли яхши ва ўзига тўқ хонадонлар 202 тани (27,3 фоиз) ташкил этиши маълум бўлди.

Таҳлиллардан келиб чиққан хулосалар асосида маҳалланинг ўсиш нуқталари сифатида 7 йўналиш белгилаб олинди. Ана шулардан бири — ишлаб чиқариш. Чунки худудда бешта ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд, бугунги кунда улар 380 фуқаромизнинг доимий бандлигини таъминлаган. Жумладан, пойабзал ишлаб чиқарувчи 3 та корхона фаолият юротади. Шулардан бири — Камолитдин Зокиров ўз хонадонида касиблик йўналишида оилавий корхона ташкил этган, унда 21 уста ишлар эди. Тадбиркор билан маслаҳатлашган ва мавжуд имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда улар сони 200 нафарга кўпайтиришга эришдик.

Ўтган йил ноябрь ойида вилоят ҳокимининг мазкур корхонага ташири чоғида уни янада кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Мана, орадан бир йил ўтиб, бунга ҳам эришилди. Жами 2 миллиард 300 миллион сўм кредитга таянган ҳолда қурилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, айни пайтда ходимлар сони 150 нафарга етди. Корхонада 15 турдаги аёллар пойабзали ишлаб чиқарилляпти.

Ҳайрат кўчасида яшовчи фуқаро Бахтиёр Хўжаев ҳам олинган имтиёзли кредит ҳисобига ўз уйида сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйди ва 15 фуқарони доимий иш билан банд этди.


Тажрибадан маълумки, ишсиз аёлларга тикув машинаси олиб бериш билан муаммо ҳал бўлмайди. Биринчи навбатда, унинг тикувчиликка ўқуви бор-йўқлигини аниқлаш, хоҳишига қараб шу касбга ўргатиш керак. Ишсизликни қисқартиришга биз ҳам шу нуқтаи назардан ёндашялмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносидида бўш турган хонани сектор вакиллари ёрдамида таъмирдан чиқариб, тикувчилик цехига айлантирдик. Аввалги бу ерда ижтимоий дафтлардан ўрин олган 30 хотин-қиз танаб олиниб, касбга ўргатилди ва доимий иш билан таъминланди. Кейин цехни кенгайтириб, “Nur fauz xhs ruso” тикув ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил қилдик. Кооперация 150 дан ортиқ хонадондаги 170 нафар хотин-қизга касаначилик усулида ярим тайёр маҳсулотларни уйларига етказиб берапти. Улар бу кийим-кечакларни тайёр ҳолатга келтириб, рўзғори бут бўлишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхона яқин орада шундай тартибда ишловчилар сонини 300 нафарга етказишни мақсад қилган.

Бундан ташқари, 8 оилага 4 тадан 6 тагача тикув машинаси олиб бериш эвазига тикув цехлари ташкил этилди. Уларда 45 та ишчи ўрни вужудга келди.

Мисол учун, хонадонда тикувчилик билан шуғулланиб келган Моҳичеҳра Мусинова ва Дилдора Ҳамидовага 22 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши туфайли цех ташкил этилди.

Хонадон соҳибни Улғабек Мусинов эса яқинда олган 30 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига нон ва нон маҳсулотлари ҳамда миллий ширинликлар ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Цех ва корхонага ён-атрофда яшовчи 8 хотин-қиз жалб этилиб, доимий иш билан таъминланди.



Асосий йўналишимиздан яна бири — асаларичилик. Фаргона шаҳрида жойлашган маҳаллада қандай қилиб асалари парвартириш мумкин, деб ўйларсиз. Ҳақиқатан, аслида, шундай. Лекин “Қаловини топсанг, қор ёнади”, деган гап бежиз айтилмаган. Биз тузган “Аричи” ишлаб чиқариш кооперацияси ушбу соҳанинг дояси

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҚИММАТ

Сўрхтепа — “қизил тепалик” маъносини билдиради. Худудимизда шундай тарихий тепалик мавжуд, у ноёб обидасифатида қисман сақланиб қолган. Обида яқиндан 2 миңг 408 метр чуқурликдан чиқётган сув ҳар жиҳатдан

“Фаргона шаҳрида жойлашган маҳаллада қандай қилиб асалари парвартириш мумкин, деб ўйларсиз. Ҳақиқатан, аслида, шундай. Лекин “Қаловини топсанг, қор ёнади”, деган гап бежиз айтилмаган. Биз тузган “Аричи” ишлаб чиқариш кооперацияси ушбу соҳанинг дояси ҳисобланган она ари етиштириш билан шуғулланади. Бунинг учун банкдан 100 миллион сўм кредит олинди, шу соҳанинг малакали мутахассислари жалб этилди. Ҳозир бу юмуш билан 30 га яқин ёш банд. Маҳсулот нафақат вилоятдаги асаларичиларга, балки қўшни худудларга ҳам етказиб берилмоқда.

ҳисобланган она ари етиштириш билан шуғулланади. Бунинг учун банкдан 100 миллион сўм кредит олинди, шу соҳанинг малакали мутахассислари жалб этилди. Ҳозир бу юмуш билан 30 га яқин ёш банд. Маҳсулот нафақат вилоятдаги асаларичиларга, балки қўшни худудларга ҳам етказиб берилмоқда.

шифобахш. Унинг таркибида 33 та фойдали элемент бўлиб, тери ва ошқозоничак касалликларини даволашга яхши самара беради. Авваллари худудда умумий майдони 1,5 гектар сийхатқоқ бўлган. Айни кунда мазкур дам олиш масканини қайта тиклаш, аҳоли учун дам олиш жойлари, меҳмонхона қуриш юзасидан билдирган таклифимиз вилоят ҳокими томонидан қўллаб-қувватланиб, амалий ёрдам кўрсатилляпти.

Кейинги пайтда Сўрхтепада дам олиш масканлари қуриш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эътибор ошди. Маҳалла оралаб ўтган Мариолонсой ирмоқлари худудга ўзгача гўзаллик, орасталик бағишляпти. Юздан ортиқ хонадон вакиллари сув бўйларига сўри қуриб, шинам дам олиш жойлари ташкил этган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бугунги хизмат кўрсатиш ва қирғоқ муҳофазаси талабларига жавоб бермас эди.

Маҳалламизни ривожлантиришнинг вилоят ҳокимлиги ёрдамида ишлаб чиқилган концепциясига кўра, соҳил бўйидаги жойларга йиғма сўри, супалар қуриб, дам олиш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ замонавий шароит яратиш ишлари режалаштирилган. Яратилган қўлай шароитлар нафақат маҳаллий, балки хорижий меҳмонларни жалб этиш имконини беради.

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

СУРХОНДАРЁ: РИВОЖЛАНИШДА КАТТА “САКРАШ”

Ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш худудлар иқтисодийлигини янада ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни мақсадда жорий йил бошидан буён Сурхондарё вилоятида 150 миллион долларга тенг хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Термиз туманидаги “Termez National Carpets” масъулияти чекланган жамияти йилига 2,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир бу ерда Бельгия, Германия, Туркия ва Хитойдан олиб келинган энг замонавий технологиялар асосида 10 турдаги гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 150 кишининг бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташири чоғида мазкур корхона фаолияти билан ҳам танишиб, бу ерда тайёрланаётган гилам маҳсулотлари сифатини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Умумий лойиҳа қиймати 20,2 миллион еврога тенг корхона ички бозор талабларини қондириш билан бирга, маҳсулотининг 60 фоиздан ортигини Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Озарбайжонга экспорт қилмоқда.

— Фаолиятимизга зарур хомашёнинг 80 фоизи маҳаллийлаштирилган. — дейди корхона раҳбари Собир Раҳмонов. — Жорий йилда 4 миллион долларлик маҳсулотни хорижий буюртмачиларга етказиб бериш ниятидаимиз. Келгуси йилда бу кўрсаткични икки



ташқи ва ички ёритиш тизими учун қуёш панеллари ўрнатилган.

Сурхондарёда сўнгги беш йилда вилоят саноатида 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 5 миңдан зиёд корхона ташкил этилди. Ишлаб чиқариш 3 баробар кўпайиб, саноат экспорти 132 миллион долларга етди. Жорий йилда 292 та саноат лойиҳаси ишга туширилиши эвазига 10 миңга янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, саноатда импортни 50 миллион доллар-

“Яқинда Ангор туманида тери хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасининг дастлабки босқичи иш бошлади. Мазкур лойиҳа икки босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Биринчи босқичда йилига 120 миллион квадрат метр терини чуқур қайта ишлаш ва тайёр чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

га қисқартириб, экспортни 250 миллион долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

— Вилотимиз иқтисодиёти ўсиши динамикаси анча юқори, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Анвар Орипов. — Иқтисодий ва инвестицион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари натижасида 2017-2022 йиллар давомида вилоятнинг ялли худудий маҳсулоти ҳажми 31,2 фоиз ошиб, 14,4 триллион сўмдан 34,9 триллион сўмга етди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича ўсиш кўрсаткичлари қувонарли. Ўтган йили 28 триллион сўмлик маҳсулот етиштирилган. Вилотда саноатга инвестиция жалб қилиниши, илгари мавжуд бўлмаган қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, электр техникаси каби янги саноат тармоқлари яратилиши натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,4 триллион сўмдан 7,3 триллион сўмга етди ёки 38,7 фоиз ўсди. Ўтган

6 йил мобайнида тадбиркорлик субъектлари сони 21,2 миңгадан 35,6 миңгага ортиб, 1,7 баробар кўпайди.

Яқинда Ангор туманида тери хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасининг дастлабки босқичи иш бошлади. Мазкур лойиҳа икки босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Биринчи босқичда йилига 120 миллион квадрат метр терини чуқур қайта ишлаш ва тайёр чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона Италия ва Туркиянинг қиймати 13,2 миллион долларлик замонавий асбоб-ускунаси билан жиҳозланди. Корхона иш бошлаши билан 450 та янги иш ўрни яратилди.

Келгуси йилда корхонада 450 миң жуфт эркалар, болалар ва спорт пойабзаллари, 250 миң дона чарм-атторлик маҳсулоти, 5 миң тонна желатин ва коллаген ишлаб чиқаришга кириштилади. Бунинг натижасида корхонада 860 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Маҳаллада хунармандлик ва агротуризмни ривожлантириш имконияти кенг. Худуддаги бўш турган бинода миллий либослар тикувчилик цехи ишга туширилди. Бу ерда сайёҳлар учун маҳсулотлар кўргазмаси ва савдоси йўлга қўйилган. Меҳмонлар хунармандлик буюмлари тайёрлаш жараёни билан бевосита танишиши, буюртмалар бериши мумкин.

Косиблик касбига ихлоси ва ўқуви бор 4 та хонадонда оилавий корхона ташкил қилиб, 12 та иш ўрни яратилди. Етмишдан ортиқ хонадон томорқасидаги иссиқхонада турли сабзавот ва лимон етиштириш йўлга қўйилди. Жумладан, Ҳайрат кўчасида яшовчи Улғабек Пулатов хонадонда 2 сотих иссиқхона ташкил этган бўлса, шу йил февраль ойида 20 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига мазкур иссиқхона 10 сотихга айлантирилди. Табиийки, иш ўринлари сони ҳам уч карра ошди.

Маҳалламиз худудда темир бозори мавжуд. Харид қилинган маҳсулотни манзилга етказишда мотороллерга талаб юқори. Шунинг билан бирга, имтиёзли кредит эвазига 20 нафар фуқарога ана шу румуддаги транспортни олиб бердик. Улар бугунги кунда оиласига яхшигина даромад олиб кириш билан бирга, кредитни ҳам вақтида сўндирапти.

Шунингдек, имтиёзли кредит эвазига 4 та мактабга таълим ташкилоти, новвойхона, ошхона, сарторашхона, сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, озиқ-овқат дуқонлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 34 та янги иш ўрни яратилиши эришилди.

Маҳалла оқсоқоллари бошчилигида худуддаги тадбиркорлар, фаоллар ва ёшлар ҳамжихатлигида қатор ижобий ишлар бажарилди. Жумладан, маҳалла қабристонини ҳашар йўли билан обод қилинди, бетон девор билан ўралди. Ирода ва Космонавтлар кўчалари ички йўллари тўлиқ асфальтланди, 1,5 километр ичимлик сув тармоғи тортилди, сой устида 20 метрли кўприк қайта қурилди. 1000 тулгул, 200 тул тут кўчати ҳамда 15 та эҳтиёжман оилага пиширик пемца тарқатилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда 5 та йирик янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Маҳалламизда жойлашган Эски Фаргона кўчасидаги собиқ вилоят болалар ногиронлар реабилитацияси маркази ўрнига 1,6 гектар майдонда давлат-хусусий шерикчилик асосида 200 ўринли сийхатқоқ ва 100 ўринли меҳмонхона қуриш режалаштирилляпти. Улар фаолият бошлашга, 250 та янги иш ўрни очилиди.

Маҳалла биноси ва оилавий поликлиникани қайтадан қуриб, фойдаланишга топшириш ҳам қалдаги режаларимиз сирасига қиради. Бундан ташқари, 35 та кичик тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Ана шундай янгилашиллар самараси маҳалла ҳаёти, одамлар турмуш шароити яхшиланаётганда ўз ифодасини топиб борапти. Бу, албатта, аҳолининг “маҳаллабай” ишлаш тизимига ишончини янада мустаҳкамляпти.

Шу йил Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ҳаётимда яна бир қувончли воқеа юз берди. Байрам муносабати билан камтарона меҳнатим “Шуҳрат” медалига лойиқ қўйилди. Бу муқофотнинг шахсан давлатимиз раҳбари томонидан топширилиши янада катта рағбат бўлди.

Бугун ҳаракат, изланиш, янгилашни даври. Ана шундай яшаш ва ишлаш доимий равишда малака-савиямизни ошириб, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган вазифаларни бажариш, янгидан-янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга ташаббускор бўлишни тақозо этади.

Вилоятда чорвачилик кенг ривожлангани лойиҳа истиқболини таъминляпти. Айни пайтда вилоятда бир миллиондан ортиқ йирик шохли ва 2,5 миллиондан зиёд майда шохли чорва боқилмоқда. Бу йилига ўртача бир миллион донадан ортиқ майда шохли ва 500 миңга яқин йирик шохли мол териси хомашёси захирасини яратяпти. Ҳозирга қадар ана шундай катта миқдордаги хомашё исроф бўлаётган эди. Янги корхона ишга тушиши билан сифатли чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми янада ортди. Жумладан, бу йил тери хомашёсидан 210 миңлиқ сўмлик маҳсулот тайёрланиши кутилмоқда. Озарбайжон, Туркия, Россия, Италия, Хиндистон, Германия, Португалия каби давлатларга 45 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Корхона халқаро сертификатга эга. Бу корхонага маҳсулотларини Европа бозорига тўғридан-тўғри экспорт қилиш ва хорижий бренд занжирларига қўшилиш имкониятини беради.

Ҳар бир худуднинг ўзига хос ривожланиш омиллари бор. Жумладан, Сурхондарёнинг ҳам. Ер ости ва ер усти бойликлари, меҳнаткаш одамлари, қўлай тадбиркорлик муҳити худуд истиқболини белгилаш, одамлар турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга кенг йўл очиб бермоқда. Айниқса, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, хусусий инвестициялар ҳажминини янада оширишга доир амалий ишлар бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Илҳом САМАДОВ, журналист

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ИЭС — МИНТАҚАДАГИ ЭТАЛОН ЛОЙИҲА

3,3 миллион хонадоннинг бир йиллик истеъмолини қоплаш имконини беради

Ирода АНВАРЖОН қизи, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланчи 1-бетда

Мамлакатимизда бу борадаги лойиҳалар, чора-тадбирлар қўлама сунгги йилларда бир неча баробар ортгани боиси шунда. Энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Йирик лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида хорижий инвестициялар муҳим омили бўляпти. Ана шундай катта лойиҳалардан яна бири — Сирдарё вилоятида қад ростлаётган 1500 мегаватт қувватли замонавий буғ-газ электр станцияси Саудия Арабистонининг етакчи “ACWA Power” компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иштирокида жорий йил 27 ноябрь куни мазкур замонавий электр станциясининг дастлабки 500 мегаватт қуввати ишга туширилиб, умумий тармоққа уланди. Станция ягона электрлаш тармоқлари орқали юртимиз аҳолисига электр энергияси етказишни бошлади.

Инвестицион лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Сирдарё вилоятида қуввати 1500 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилмоқда. Қолаверса, ушбу вазифа Давлат дастуридан ҳам жой олган.

Хорижий инвестиция

Йирик электр станцияси Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри ва Бобуват тумани ҳудудидаги 55 гектар майдонда қурилмоқда. Мутасаддиларнинг айтишича, жорий йил якунига қадар станциянинг қуввати босқичма-босқич 1000 мегаваттга, 2024 йилнинг биринчи чорагида 1 минг 500 мегаватт қувватга чиқарилади. Станция тўлиқ ишга тушгач, бу ерда йилга 12 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Мазкур ҳажм эса юртимиздаги 3,3 миллион хонадоннинг бир йиллик ёки барча аҳоли истеъмолининг қарийб 8 ойлик истеъмолини қоплаш имконини беради.

— Ушбу лойиҳа ва у орқали яратилган бундай катта қувват мамлакатимиз энергетика тизимидаги тарихий воқеадир, — дейди Энергетика вазирлиги электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Озод Охунов. — Бундай йирик лойиҳалар ҳар доим ҳам амалга оширилвермайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари янги ИЭС ҳам замонавийлиги, ҳам тежамкорлиги жиҳатидан Марказий Осиёда эталон лойиҳа эканини таъкидлади. Суперзамонавий станция жаҳон энергетика тармоғида ҳам катта аҳамиятга эга. Унда ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган, инсон омилли ниҳоятда кам. Шу тўғрисида тўлиқ ишга туширилган, станцияда 120 та иш ўрни яратилади.

Лойиҳа нафақат қувват жиҳатидан, балки ўта замонавийлиги билан ҳам ақин атрафдаги давлатлар таърибаси учун янгилик саналади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда юқори қувватли бир неча иссиқлик электр станциялари мавжуд. Улар орасида

энг каттаси 3 минг мегаватт қувватга эга бўлиб, у ҳам Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида жойлашган. Утган асрда ишга туширилган бу станция ҳозиргача ишлаб келаяпти. Аммо у эски энергия блокларидан иборат бўлиб, иш жараёнида катта миқдорда ёқилғи, яъни табиий газ талаб қилади. Унинг ёнида ишга туширилган замонавий ИЭС эса ундан бир баробар кам газ сарфлайди. Фойдали иш коэффициентини ҳам амалдаги станцияларники каби 30-40 эмас, 60 фоиздан юқоридир.

Йирик лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилганнинг узиёқ катта қўшимча имкониятлар яратди. Чунки 1 минг 500 мегаватт кичик қувват эмас. Амалий мисол билан тушунтирсак, мамлакатимизда 1991—2016 йилларда жами 3 минг 300 мегаватт янги генерация фойдаланишга топширилган. Бу дегани, ҳозир битта лойиҳанинг ўзи 25 йил ичида ишга туширилган қувватларнинг деярли ярмига тенг.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлиб, мазкур иссиқлик электр станцияси бунчаллик катта миқдорда тўғридан-тўғри хориж инвестициясини жалб қилган биринчи ишлардан ҳисобланади. Аҳамият беринг: қиймат ниҳоятда катта. Аммо инвестициялар ҳеч қандай давлат кафолатисиз жалб қилинмоқда. Инвестор эса юқорида таъкидлаганимиздек, Саудия Арабистонининг машҳур “ACWA Power” компанияси. Бу компа-



“ACWA Power” номи охириги йилларда юртимиз энергетика соҳасида анча машҳур бўлиб, тез-тез тилга олинапти. Боиси, компания бу йўналишда энг катта инвесторларимиздан ҳисобланади. Ҳозирги кунда юртимизда компания иштирокида 15 та лойиҳа амалга оширилляпти. Ҳудудларимиз бўйлаб биргалликда қуриляётган қуёш ва шамол электр станцияларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

инвестиция портфели 80 миллиард доллардан ортқ.

“ACWA Power” номи охириги йилларда юртимиз энергетика соҳасида анча машҳур бўлиб, тез-тез тилга олинапти. Боиси, компания бу йўналишда энг катта инвесторларимиздан ҳисобланади. Ҳозирги кунда юртимизда компания иштирокида 15 та лойиҳа амалга оширилляпти. Ҳудудларимиз бўйлаб биргалликда қуриляётган қуёш ва шамол электр станцияларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

— Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида умумий қуввати 1 минг 500 мегаватт бўлган 3 та, Бухоро вилоятида эса 1000 мегаватт қувватли

инвестиция лойиҳаларимиз портфели 20 миллиард долларга етгани ҳам бунинг яққол тасдиғи бўла олади.

Тежамкорлик бир неча баробар юқори

Асримизга келиб, нафақат дунё, балки мамлакатимизда ҳам электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил манбалари, яъни қайта тикланадиган сув, қуёш, шамол электростанцияларидан фойдаланиш ривожланиб борапти. Аммо барибир бу борада асосий вазифа иссиқлик электр станциялари зиммасида. Мазкур корхоналарда электр энергияси ишлаб чиқариш учун катта миқдорда нефть, газ, кўмир сингари табиий ёқилғи манбалари зарур. Биргина мисол, охириги ўтган йилда юртимиздаги ИЭСларга етказиб берилган табиий газ ҳажми 15 миллиард куб метрдан 17 миллиард куб метрга етган.

Сирдарёдаги янги иссиқлик электр станциясининг афзалликларидан яна бири унинг ўта замонавийлиги ва тежамкорлиғида. Бунга энг илғор техника ва технологиялар ёрдамида эришилди. Япониянинг “Mitsubishi” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган энг замонавий ва энергиятежамкор газ турбиналари ўрнатилган ҳисобига йилга 1,1 миллиард куб метр табиий газ тежалиши ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу ҳажмдаги табиий газ 458 минг 335 та хонадоннинг бир йиллик истеъмолини ташкил этади. Бу эса жами табиий газ истеъмолининг 11 фоизи, дегани.

— Таъкидлаш жоизки, суперзамонавий станция 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 205 грамм шартли ёқилғи сарфлайди, — дейди Озод Охунов. — Юртимиздаги эски станцияларда бу кўрсаткич 350-400 граммга яқин. Демак, тежамкорлик икки баробарга тенг. Тежалган табиий газ шу станциянинг ўзида яна қўшимча 6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Қолаверса, “Сирдарё” ИЭСда совитиш тизими ва бошқа технологик сув сарфи жуда паст. Зарарли чиқиндилар даражаси ҳам ниҳоятда кам, табиатга 720 минг тонна захарли газлар чиқишининг олди олинади.

Мамлакатимизда 2 хил тоифадаги истеъмолчилар бор. Биринчиси, юридик шахслар бўлиб, унга иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари қиради. Иккинчиси эса аҳоли хонадонлари бўлиб, улар 7,5 миллионгани ташкил этади. Мавжуд эҳтиёжни қондириш мақсадида ўтган йили 74 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич 80 миллиард киловатт-соатдан ортиши кутиляпти. Энергетикаларимиз электр энергияси ишлаб чиқариш билан бирга, тармоқларни ҳам янгилаб борапти. Бу борада бир қанча дастурлар қабул қилиниб, аниқ вазифалар белгиланган. Жараёнда электр энергияси самарадорлигини ошириш, энергиятежамкор технологиялардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

Ана шундай ҳаракатлар маҳсули бўлган Сирдарёдаги янги иссиқлик электр станциясининг ишга тушиши билан яратилган янги қувват ҳам аҳолини доимий, айниқса, яқинлашаётган қиш мавсумида электр энергияси билан таъминлаш кўрсаткичларини оширишга сезиларли ҳисса қўшади. Келгусида электр энергиясини қўшни давлатларга етказиб бериш имкониятини ҳам янада кенгайтиради.

ЗАМОНАВИЙ АГРОЛОГИСТИКА

Таҳлилларга кўра, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ички истеъмодан ортқ қисмини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон бозоридида катта имкониятлар яратди. Соҳа йилдан-йилга ривожланиётган бўлса-да, ҳали ишга солинмаган ресурслар жуда кўп.

ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА “ЯШИЛ ЙЎЛАК” ЯРАТИЛМОҚДА

Президентимиз ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия II минтақалар ҳамкорлик форумида Россиянинг “Национальная резервная корпорация”си билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида агрологистика комплекси лойиҳасини куриш ташаббусини билдирган эди.

Ташаббус киска фурсатларда рўёбга чиқарилди. Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида “BMB-NRC Agrolistics” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг биринчи навбати тантанали равишда ишга туширилди. Тадбирда сўзга чиққанлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини Россия ва бошқа мамлакатларга тежор ҳамда тўсиқсиз экспорт қилиши режалаштирилган мазкур корхона ўзaro самарали ҳамкорлигининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

— Мамлакатимизда ҳар йили 23 миллион тоннадан ортқ мева-сабзавот етиштирилиб, 3,5 миллион тон-

Мажмуада қолиб ишлайдиганлар учун 50 ўринли меҳмонхона бор. Ишчи-хизматчилар иссиқ овқат билан таъминланади.

— Бу мажмуанинг ишга тушиши мева-сабзавот етиштирувчилар учун гоят аҳамиятли. Зеро, энди деҳқон ва фермерлар ердан кўпроқ даромад олишига катта имконият яратилди, — дейди Шароф Рашидов туманидаги фермер Абдунаби Абдурахмонов.

Тадбир доирасида қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 150 дан ортқ йирик корхона вакиллари томонидан худудларнинг экспорт салоҳиятини намоиш этиш учун кўргазма ташкил этилди. Экспортёрлар ва импортёрлар ўртасида амалий мулоқотлар бўлиб ўтди. B2B форматда шериклик алоқаларини ўрнатish бўйича қатор келишувларга эришилди. “BMB-NRC Agrolistics”-да фаолият юритувчи барча хизматлар мутахассислари эса шу ернинг ўзида



надан ортқига қайта ишланади. Фақат бир ярим миллион тоннаси ташқи бозорларга ҳўл ҳолида экспорт қилинади, — деди Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Юнусов. — Бугунги кунда юртимизда 76 та агрологистика маркази бор. Уларнинг умумий сигими 893 минг тонна. Янги “BMB-NRC Agrolistics” қўшма корхонаси мазкур соҳа Ўзбекистонда янги босқичга чиққанидан далолат беради. Бу ерда экспортёрларга барча зарур шартлар яратилган. Узига хос ноёб комплетлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, божхона, банк ва санитар ҳўжжатларни “Ягона дарча” тамойили асосида расмийлаштириш, транспорт, логистика хизматлари кўрсатиш каби амалиётлар жорий этилган. Экспортёрларимиз шу ерда “Россельхозназор”нинг доимий фаолият кўрсатадиган

меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Корхонанинг расмий очилиш маросими қатнашчилари “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида мажмуа ҳудудида бoғ яратиш мақсадида кўчат эхиш акциясида иштирок этди.

Тадбир давомида қўшма корхонанинг яқин вақт ичида бошланиши режалаштирилган мева-сабзавотларни субмиллицион куриштиш ва шoк усулда музлатишни назарда тутувчи умумий қиймати 225,1 миллиард сўм бўлган навбатдаги босқичлари қурилиши пойдеворига рамзий капсула қўйилди.

— Ўзбекистонда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар таъмини таърифлашга тил оғиз ва ташқи бозорда рекламага муҳтож эмас, — дейди Россия Давлат думаси депутати Сергей Лисовский. — Россия халқи бу ерда етиштирилган мева-



аккредитацияланган лабораторияси сертификатлари билан Россия ва бошқа мамлакатларга тўғридан-тўғри экспортни йўлга қўйиши мумкин.

Замонавий мажмуанинг умумий лойиҳа қиймати 709,71 миллиард сўм бўлиб, қурилиши уч босқичли модуль шаклида амалга оширилиши режаланган. Бу ерда 10 минг тонна сигими эга музлаткичи камералар ва оғборлар мавжуд бўлиб, лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, 810 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконини беради. Комплексининг ишга туширилган дастлабки модулида эса йилга 270 минг тоннагача маҳсулотни қабул қилиш имкони яратилган.

Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ 180 та доимий, 400 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратилмоқда. Мажмуа тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1410 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Ўтган давр мобайнида лойиҳа доирасида 484,62 миллиард сўм миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, комплекс тўлақонли фаолият юритиши учун зарур инфраструктура яратилди. Хусусан, Божхона қўмитаси, Усимликлар қарантини ва ҳимояси агентлиги, “Узсаноатқурилишбанк”нинг худудий филиаллари, фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаштириш учун ПЭР тест ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

Республикаимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган мева-сабзавотчиликни модернизациялаш мақсадида амалга оширилган бундай лойиҳалар соҳани барқарор суръатлар билан ривожлантиришга, унинг рақобатбардошлигини таъминлашга, аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, пировардида эса экспорт салоҳиятини юксалтириб, иқтисодий тараққиёт тезлашиши ва халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Мамлакатимизда 2 хил тоифадаги истеъмолчилар бор. Биринчиси, юридик шахслар бўлиб, унга иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари қиради. Иккинчиси эса аҳоли хонадонлари бўлиб, улар 7,5 миллионгани ташкил этади. Мавжуд эҳтиёжни қондириш мақсадида ўтган йили 74 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич 80 миллиард киловатт-соатдан ортиши кутиляпти. Энергетикаларимиз электр энергияси ишлаб чиқариш билан бирга, тармоқларни ҳам янгилаб борапти.

ния нафақат ўз мамлакатаи, балки дунё бозоридида жуда катта салоҳият ва мавқега эга. Унинг жаҳон бўйлаб умумий

шамол электростанцияларини қуриш, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида умумий қуввати 200 мегаватт бўлган қуёш электр станциясини барпо этиш лойиҳаларининг барчасига “ACWA Power”нинг тўғридан-тўғри инвестициялари жалб қилинган, — дейди Озод Охунов. — Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши 2030 йилга бориб, 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватини яратиш, 4,5 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли моддалар ташланмалари чиқишини 3 миллион тоннагача камайтириш имконини беради.

Айни пайтда ҳамкорликдаги энергетика лойиҳаларимиз қиймати 7,5 миллиард доллар бўлиб, компания бу рақамларни 18 миллиард долларга етказишни кўзлаган. Юртимизда инвесторлар учун яратилаётган шароитлар, қулай ишбилармонлик муҳити ана шундай компанияларни фаол жалб этмоқда. “ACWA Power” ҳам йирик ва ишончли ҳамкорларимиздан бири бўлиб, қўшма лойиҳаларимиз қўлама кенгайишда давом этапти. Сунгги уч йилда мамлакатимизнинг Саудия Арабистони билан савдо айланмаси ҳажми беш баробар ўсиб, қўшма

ТАРАКҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА ТУШГАН ОН...

Ўзбек олимасининг микробиология соҳасидаги тадқиқотлари дунё эътирофида



Бошланиши 1-бетда

сўрашни ўйлагандим. Аммо унинг 20 йил хорижда яшаб, ўз йўналишида профессор даражасига чиққани, бир йил аввал давлатимиз томонидан берилган тақлиф асосида юртимизга қайтганини эшитиб, хайратим ошди. Ватандан кетиш, хориждаги илмий фаолият ва она юртва қайтиш мақсади мени янада қизиқтириб қўйди.

— 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлагач, Фанлар академияси Микробиология институтида лаборант сифатида ишлаш бошладим, — эслайди Дилфуза опа. — Кунлар ўтар, мен эса шунчаки ишга келиб-кетардим. Илм нима экани, мақсадим нималигини англолмасдим. У вақтлар вазиёт шундай эди, илм қилишга шароит ҳам бўлмаган. Мустақилликдан кейин юртимизда хорижий давлатларнинг элчионалари очила бошлади. Биринчи-лар қаторида Германия элчихонаси иш бошлади ва ёш олимлар стипендия асосида олмон юртвага ўқишга юборилди. Мен ҳам стипендия соҳиблари қаторида Германияда, Берлиндаги Гумбольдт университетида кишлоқ хўжалиги бўйича аспирантура босқичида таҳсил олдим.

— У ерга борганимдан кейин илм нима эканини тушундим. Бир нечис олимасига шогирдликка тушдим ва устоз инсоннинг бутун хаётини ўзгартириб юбориши мумкинлигига шаҳсан амин бўлдим. Немис олимаси мени илмга чуқур киришим, бундан кўп нарса топишимни айтди. Мен ҳам унга ишондим ёки ишонганини истадим, ҳар ҳолда ичимдаги илмга бўлган иштиёқ, чанқоқ шунчаки сароб эмас экан. Шу ондан илм йўлидан кетдим, ишлай бошладим. Аввалига кунларнинг бир хилда ўтиши мени зериктирган бўлса, кейинроқ устозимнинг "Инсон умрининг асосий қисми ишда ўтар экан, хаётининг мазмунини севишли касбидан топиши керак, шундагина яшадим, дейсан", деб айтган сўзлари мени катта сабаб бўлди. Ишимни, танлаган касбимни сева бошладим, эришган натижаларим ҳам шунинг махсули бўлса керак.

ки, ўша туркистонлик ёшларнинг тақдирини немисларга қаттиқ таъсир қилган ва Ўзбекистонда ҳамон бу ҳолат бор, деган тушунчада бўлган. Бу мамлакатда ўқишни аёллар таъқибга учрайди, деган қараш мавжуд эди.

Ҳозир бари ўзгаргани, юртимиз илм-фанга кенг йўл очаётган давлатлар қаторида эътироф этилаётганидан қувонаман.



Ушунга қўшимчи бўлиб, илм нима эканини тушундим. Бир нечис олимасига шогирдликка тушдим ва устоз инсоннинг бутун хаётини ўзгартириб юбориши мумкинлигига шаҳсан амин бўлдим. Немис олимаси мени илмга чуқур киришим, бундан кўп нарса топишимни айтди. Мен ҳам унга ишондим ёки ишонганини истадим, ҳар ҳолда ичимдаги илмга бўлган иштиёқ, чанқоқ шунчаки сароб эмас экан. Шу ондан илм йўлидан кетдим, ишлай бошладим. Аввалига кунларнинг бир хилда ўтиши мени зериктирган бўлса, кейинроқ устозимнинг "Инсон умрининг асосий қисми ишда ўтар экан, хаётининг мазмунини севишли касбидан топиши керак, шундагина яшадим, дейсан", деб айтган сўзлари мени катта сабаб бўлди. Ишимни, танлаган касбимни сева бошладим, эришган натижаларим ҳам шунинг махсули бўлса керак.

Ўзбек олимлари қаторида мени ҳам бу ерга тақлиф қилди. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти очилиши, бу ерда энг илгор технологиялар асосида илмий тадқиқотлар олиб борилиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган энг замонавий, жаҳон стандартларига мос лабораторияни очиб мақсад

лар изланиб, замонавий усуллар ишлаб чиқилади. Ёш олимлар, талабалар эса бу ерда амалиёт ўташи, илмий тадқиқот жараёнида иштирок этиши мумкин.

Ҳар муаммонинг илмий ечими бор

Илм йўли жуда чуқур, унинг тубига етиб борган инсон бўлмас керак. "Илмдан бир шуъла дилга тушган он, шундан билурсанки илм бепоён", деган эди Абулқосим Фирдавсий. Аммо мана шу бепоёнликка инсонга куч берадиган бир муҳда бор, у ҳам бўлса, ўзингдаги илмнинг бошқаларга берадиган манфаатини кўришдир. Дилфуза Эгамбердиева ҳам доим шу мақсад билан яшайди, қилаётган ишининг жамиятга, одамларга фойдаси тегишига интилади. Микробиологиянинг кишлоқ хўжалиги йўналишини танлаганида ҳам шулар ҳақида ўйлаган. Бугун эса илмий тадқиқотлари орқали сайёраимиз аҳолисига жиддий хавф солаётган иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби муаммоларга замонавий ва самарали ечимлар тақлиф этяпти.

— Микроблар асли кўзга кўринмас зарралар. Аммо мана шу митти зарралар биз, олимлар тили билан айтганда, дунёни бошқаради, — дейди олим. — Бундан кўра вирус тарқаб, ер юзидagi ҳаракатни тўхтатиб қўйганда ҳам кўрдики. Инсоннинг танаси ҳам 70 фоиз микроблардан ташкил топан ва саломатлигимиздан тортиб, истеъмолимизга — бари ана шу микроблар билан боғлиқ. Шунинг учун биз уларни яхши билмас, ўрганмас, ўзи нима хоҳлайди, нима учун касаллик турдалиб, деган саволларга жавоб топмас, улар билан келишиб яшашини мумкин. Мен кишлоқ хўжалиги микробиологияси танлаганим. Органик маҳсулотлар етиштириш учун микроблардан биоуғитлар яратиш устида ишлайман. Ҳозир жаҳонда органик маҳсулот етиштириш анча жадаллашган. Аммо Ўзбекистон бу борада анча орқада, аниқ ҳаққатлар охириги йиллардагина бошланди.

Юртимизда чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси ҳам нихоятда паст, деярли йўқ. Ваҳоланки, ҳар қандай чиқиндини қайта ишлаш мумкин. Биз ҳозир биологик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали биоуғитга айлантириш устида ишляймиз. Бу ҳам арзон ўғит бўлади, ҳам экологик хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади ва у кишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини бир неча баробар оширади.

Умуман, менга мамлакатимиздаги экологик муаммолар, ҳавонинг ифлосланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар бўйича кўп савол берилади. Муаммоларнинг аксари олимлар ва замонавий технологиялар етарличилиги, илм-фан, тадқиқотларга етарлилик маблаг ажратилмагани билан боғлиқ, дейман. Шулар сабаб йиллар давомида қўлаб соҳалар ривожланишдан ортда қолган. Бундай муаммоларни ечиш учун эса, аввало, олимлар, қолаверса, янгича технология, замонавий асбоб-ускуналар зарур. Шу боис, Ўзбекистонда айна шу жиҳатларга катта эътибор қаратилляпти. Юртимизда кейинги йиллардагина илмга кенг йўл очилди. Ҳатто хорижда ишлаётган ўзбек олимларининг ўзимизга қайтиб, катта лойиҳаларга қўшлаётгани булар

шунчаки гап эмас, балки амалий ишлар эканини тасдиқлайди.

Дилфуза опа Жаҳон банки ҳамкорлигидаги йирик лойиҳага ҳам раҳбарлик қилляпти. Умумий қиймати 500 минг долларга тенг лойиҳанинг мақсади Ўзбекистонда дуккакли ўсимликлар ўсишини яхшилаб, ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Олиманинг айтишича, юртимиздаги ерларнинг кўп қисми шўрланганми боис, дуккакли ўсимликлар ҳосилдорлиги нихоятда паст. Қолаверса, 50 йиллардан ортқ вақт давомида, асосан, пахта экилгани ҳисобига туپроғимиз унумдорлигини йўқотган. Бу ҳозир кишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммоларимиздан бири. Ушбу масаланинг ечими сифатида олимлар пахта ўрнига бошқа ўсимликларни алмашлаб экишни тавсия этяпти.

Бу борада дуккакли ўсимликлар анча қулай. Улар биохилма-хиллигини яхшилаб баробарида оксили гўштининг ўрнини босар экан. Тупроқ унумдорлигини оширишда ҳам фойдали. Шу боис, лойиҳа доирасида фермерлар билан ҳамкорлик қилинади. Ҳозирча, асосан, нўхат ва мошининг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориляпти. Бунинг учун янги технология, биоуғитлар яратилиб, фермерлар махсус курсларда ўқитилади. Лойиҳа учун Тошкент, Андижон ва Қашқадарё вилоятларининг кургоқчил ерлари танланган. Кейинчалик бу тажрибалар юртимизнинг барча ҳудудида амалга оширилади.

Қаҳрамонимиз лойиҳалар билан бир вақтда худудлардаги тупроқ, ўсимликлар ва улардаги микробларни мунтазам ўрганиб, уларнинг экологик муҳитга таъсири бўйича тадқиқотлар олиб боради. Иқлим ўзгариши, озиқ-овқат сифати билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

— Иқлим ўзгариши ҳозир дунёда кечаётган энг глобал жараён ва уни тўхтатиб бўлмаганини барчамиз биламиз, — дейди Д.Эгамбердиева. — Фақатгина унинг оқибатларини енгилаштиришимиз мумкин ва бунинг учун барча давлатлар биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Ўзбекистонда ҳам бу борада ҳаракатлар бошланган, лекин бу ҳали жуда оз. Ҳозир юртимизда қилишимиз керак бўлган бир қанча ўта долзарб вазифалар бор. Булар сув танқислиги муаммосини ҳал этиш, ҳавонинг ифлосланишини камайтириш ҳамда ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш. Ҳар бири бевосита озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган муҳим омиллар.

Масалан, қуриган Оролни олайлик. Унинг тонналаб тузлари чанг билан шаҳарга келади ва буну тўхтатиб қолиш жуда катта илмий масала. Шаҳар ҳавосининг ифлосланиши ҳам тобора катта муаммога айланиб борапти. Бунинг сабаблари талай. Биргина мисол, ҳозир пойтахтимизда автомашиналар шу қадар кўпки, Жакарта шаҳрига ўхшаб кетган. Тўғри, бу аскар катта ва ривожланган шаҳарларга хос жиҳат, аммо ушбу транспорт воситаларидан қунига қанча захарли газ чиқишини тасаввур қилверинг. Биз уларни камайтири олмас эканмиз, демак, машина газларини филтратлаш, электромобилларни қўлайтириш каби замонавий ечимларни қўллашимиз керак. Бунинг бари илмга бориб тақалади. Демак, илм-фанни ривожлантириш, ёшларни илмга кўпроқ жалб қилиш лозим. Шундагина доим муаммолар ҳақида эмас, балки уларнинг илмий асослари, янги тадқиқотлар, катта ихтиролар ҳақида сўхбатлашамиз.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртдошимиз ўсимлик ва микробиомларнинг ўзаро таъсири, ўсимликларнинг стрессга чидамлилиги, тупроқ биологияси ва микроблар хилма-хиллиги соҳасидаги узоқ йиллик тадқиқотлари учун халқаро миқёсда эътироф этилди. Олима Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб, мукофотни шаҳсан қабул қилиб олганида ўзгача ғурури туйганини яширмайди.

— Париж томон борган эканман, қандайдир ҳаяжон, хурсандчилик билан бирга, Ўзбекистон илми дунёга чиқяпти, деган ғурури хис қилдим, — дейди Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг биологик тадқиқотлар ва озиқ-овқат сифати лабораторияси раҳбари, микробиолог Дилфуза Эгамбердиева. — Атрофимдаги жуда кўп инсонлар ҳам мени табриклаш чоғида айнан аёлларнинг илмдаги қадамларига ургу берди. Бу мен учун икки қарра фахр. Қолаверса, хаёлимдан бекорга шунча йилдан бери илм-фан соҳасида фаолият олиб бормаётган эканман, ишларим жамиятга ёрдам бериб, дунё миқёсида тан олинди, деган ўйлар ўтди. Бу мукофот жаҳон бўйича микробиология соҳасида катта тадқиқотлар қилган олимларга берилади. У машҳур кубалик шифокор ва микробиолог Карлос Хуан Филоний шарафига қўйилган бўлиб, икки йилда бир мартаба танланган номзода топширилади. Бундан икки йил олдин япониялик олимга насиб этганди. Бу йил эса 40 дан ортқ даъвогар орасидан муносиб қўрилганим мен учун қутилмаган ҳол бўлди. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида ўзбекистонлик олима, деб қақришганида, қалбимдан ўтган фахр туйғуларини сўз билан тасвирлаб беролмайман.

Дилфуза опанинг тадқиқотлари барқарор кишлоқ хўжалигига йўналтирилган. Асосан, қурғоқчилик, шўрланиш, юқори ҳарорат каби шароитларда кишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишда микроблардан фойдаланиш имконияти устида иш олиб боради. Ўсимлик, тупроқ ва сув микроблари орасидаги алоқаларни ўрганиб, улардан биологик ўғитлар яратган. Айна пайтда юртимизда биоуғит ва биоқумирни синовдан ўтказиш, амалиётда қўллаш каби катта лойиҳаларга бош-қош бўлмоқда.

20 йилдан кейин Ўзбекистонга қайтиш...

Олима билан сўхбатлашиш учун борарканман, илмий фаолияти, мамлакатимизда олиб борган тадқиқотлари ҳақида



Ўша йиллари мени яна бир нарса ҳайратга солди. Биз собиқ совет даврида ўқиганимиз учун Ўзбекистон тарихини деярли билмасдик. Шунинг учун немис устозим мендан "Сен ўзбек аёлисан, Ватанингни қайтганингда муаммо бўлмагани, бир вақтлар бизга ўқишга келган Туркистон ёшлари, хусусан, хотин-қизларининг кўни бошинга тушмайди", деб сўраганида ҳеч нарсани тушунмадим. Кейинчалик бу ҳақида билиб, англадим-

ши, тупроқ ҳосилдорлиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордим. Кейин Англия, Нидерландия, Италия, Норвегия ва бошқа қўлаб давлатларда катта лойиҳаларда ишладим. 2019 йилда Хитойда профессор сифатида бир муддат ишлаб, мақолалар, китоблар ёза бошладим.

Ўзбекистонга қайтишим ҳам олдимга қўйган мақсадларим билан боғлиқ. "Ватандошлар" жамоат фонди хорижда фаолият олиб бораётган, илмий салоҳиятли

КОНФЕРЕНЦИЯ

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МЕРОСИГА ҚИЗИҚИШ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИНГ БОИСИ НИМАДА?

Давлатимиз раҳбари шу йил 16 ноябрь кўни Сурхондарё вилоятига ташрифи аввалида Ҳақим ат-Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиши чоғида бир гуруҳ уламолар билан сўхбатда бугун дунёда турли низо ва урушлар бўлаётгани, бегуноҳ инсонлар қони тўкилаётганини афсус билан қайд этди. Мана шундай шароитда миллий-диний кадриятларимизни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб этишнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Тинчлик, осейшталлик кадрини янада теран англаш, кишиларда шуқроналик хиссини ошириш, шу билан бирга, Термизийлар илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Айна мақсадда Термизда илмий конференция ўтказиш тақлифи билдирилди.



Шунга биноан, жорий йил 22-23 ноябрь кўнлари Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Туризм қўмитаси билан ҳамкорликда Термиз шаҳрида нуфузли халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Туркия, Марокаш, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Франция, Россия, Эрон, Жазоир, Буюк Британия, Марказий Осиё давлатлари ҳамда юртимиздан танқили олимлар, дунёнинг нуфузли университетлари, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этди. Халқаро тадбирда "Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг ривожини", "Имом Бухорий, Доримий ва Термизий алломаларнинг ҳаёти ҳамда илмий мероси, уларнинг замонавий тадқиқотларда ўрганилиши" каби мавзулар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий каби улуг аждодларимизнинг сийратини, уларнинг ўлмас асарлари ва чуқур илмий гоёларини янада изчил ўрганиш, муфассал тадқиқ ва кенг тарғиб этишда халқаро миқёсда ўтказилаётган анжуманларнинг ўрни катта. Муслмон аҳли учун Қуръони қаримдан кейинги манба саналмиш "Саҳиҳ ул-Бухорий", "Сунани Термизий", "Сунани Доримий" каби жаҳоншумул манбалар ўрни ва унинг ҳадисшунослик илмидаги аҳамияти ургунлади.

Илҳом РАҲМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

МАЪНАВИЯТ

ТАФАККУРНИ ЁРИТГУВЧИ МАТЪАЛ



Эъзога КАРИМОВА, “Янги Ўзбекистон” университети проректори, социология фанлари номзоди, доцент



Ўзбек педагогика фанининг асосчиси Абдулла Авлоний “Илм дунёнинг лаззати, илм инсон учун гоят олий ва муқаддас фазилатдир ва у бизга ўз ахлоқимизни ойна каби кўрсатар, зехнимизни ва фикримизни ўтқир этур” деганда тўла ҳақли эди. Илм жаҳолат ва залолатга йўл бермайдиган, инсонлар ҳаёт йўлини ёритадиган машғулдир. Унинг асосини эса маънавий-маърифий масалалар ташкил этади.

Бугунги энг оғриқли муаммолардан бири илмсизликдир. Ҳар қандай номақбул иллатлардан жамиятни, хусусан, ёшлар онгини ҳимоя қилишнинг бирдан-бир йўли маърифат ва маънавиятга етарли аҳамият беришдан иборат.

Маънавият ҳам илм билан озиқлантириб борилади. Таълим жараёнини ҳам тарбиявий ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маърифатли оилалар айнан фарзандлари тарбияси жараёнида ахлоқий пойдеворни тўғри қуриш орқали

жамиятга наф келтиради. Бола даставвал оилада ота-онасидан эшитган, кўрган-билганларига амал қилса, сўнгра боғча, мактаб, касб-ҳунар мактаби, олий таълим муассасасида мураббий ва ўқитувчилар кўмағида ўзининг маънавий дунёсини бойитиб, ривожлантириб боради.

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган маҳалла тизимида ҳам ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, уларни иш билан

маънавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳатто таълимдан ташқаридаги соҳалар учун ҳам маънавият ва маърифат маркази, Маърифат тарғиботчилари жамияти билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тadbирлар ташкил этиб келинаётгани эътирофга муносиб. Сабаби жамиятдаги

банд кўтариб, мадҳиямизни баралла қўйлаётганини Ватанга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик деб билиши ҳар қандай кишини таъсирлантиради. Маънавиятни йўққа чиқармоқчи бўлганлар, бу масалани шиддат билан қўйиб қўйишга адолатли рағбатлантириш, илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал уйинларни ўрганишга жалб этиш орқали ёшлар иқтидорини ривожлантириш кўзда тутилган.

Стратегияга мувофиқ, ҳар йили ёшларни хорижнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш белгиланган. Уларнинг илтимоси ҳимоясини қўйиш ва илмсизлик даражасини камайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ёшлар бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал қилишга эришиш ҳам асосий устувор аҳамият касб этган. Замонавий ахборот технологиялари бугун дунёни ҳайратга солмоқда. Ана шундай замонавий касбга ўқиш ва ИТ соҳасида ёшларни иш билан таъминлашда уларнинг иқтидорини шакллантириш ҳам кўзда тутилган.

Президентимиз айтган мана бу сўзларга эътибор беринг: “Маънавиятимиз, ғурур-ифтихоримиз биринчи ўринга чиқадиган вақт келди. Фарзандларимизни ана шундай етув ахлоқ қилиб тарбиялаш учун барчамиз масъулмиз. Биз бунинг учун маблағ ва вақтни аямаймиз”.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, барчани бирдамликка чорлаши ҳам юксак маънавий қиёфага эга эканлигининг аққол исботидир. Инсон ва унинг маънавий қамолоти учун шарт-шароит яратиш бугунги кунда амалга ошириладиган ислохотларимизнинг асосий мақсадини ташкил этади. Халқимизнинг бой маънавий-интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар, иқтисодиёт, фан, маданият ва замонавий технологиялар ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг муқаммал тизimini шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Тараққиёт йўлини танлаган юртимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгиланган Ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишидаги ислохотларда ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш мақсадида “Креатив парк”лар фаолиятини ташкил этиш, уларга ёшларни жалб қилиш ҳамда замонавий касблар ва чет тилларга ўқиш тизimini яратиш билан бирга, мактаб битирувчилари камда 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашни таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг илмий



таъминлаш, нотинч, носоғлом муҳитдаги оилаларни аниқлаш ва шундай оилаларда вояга етаётган ёшлар билан алоҳида ишлаш масалалари доимий эътиборга олингани ҳам айнан маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга хизмат қилади.

Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган ибора бор. Бу бежиз эмас. Айнан мана шу қадрият орқали назар солиш маҳаллада жиноятчилик, бебошлик иллатларининг урчишига йўл қўймаган. Ана шу жараёнда оила — маҳалла — таълим тизими жамиятимизда маърифатли ёшлар кўпайишига ва

ислохотлардан, маънавий, сийсий жараёнлардан бохабар бўлиш ҳар бир шахснинг ўзини жамиятнинг бир бўлиги деб ҳис этишига олиб келади. Зеро, кишининг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, аввало, юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, юртимиз бўйлаб ўтказилган Маънавият марафонларида ёшларнинг фаол иштирокини кўриш қувонarli. Миллий қадриятларни улуғлаш асосида уларнинг миллий либосларимизда фахр ва ғурур билан чиқиши, юртимиз байрогини

ШУКУХ

ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛИБДИ

Саид АНВАР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси



Кўнғироқ бўлди. — Ассалому алайкум, кечирасиз, сиз Саид Анвар акаимиз? — Шундай. Эшитаман. — Мен, нашриётдан Пўлатжонман. Бизга “Осмондан тушган одамлар” деб номланган китобингизни тайёрлаб берсангиз... Уйингизга бориб, ҳисобчимиз шартнома тузиб келади... Қалам ҳақини тўлаймиз... Кўлёмангизни уч минг нусxada китоб қилиб чиқарамиз...

Кимдир ҳазиллашяпти, дейман ўзимча. Аммо ҳазилни жуда ўринлатяпти: телефонини тўғри толган, исм-шарифини ҳам тўғри айтяпти, бу — бир. “Осмондан тушган одамлар” номли комедиям бор эди, буниям аниқлаган, икки... Лекин менга ёқадиган ҳазил бўляпти, хурсандман.

Бироқ юқоридagi гапларга ишониб бўладими? Айниқса, “Уйингизга бориб, шартнома тузиб келади, қалам ҳақини 30 фоизини олдиндан, қолганини бир ой ичида тўлаймиз”, дегани ошиб тушди.

— Пўлатжон, ука, гапларингиз ёлгон бўлса-да, унинг мазмунидан қувондим. Жуда ширин ёлгон! Шундай гаплар бўлади, шундай кунлар келади, деб ўйлаб турайлик ҳозирча, — дедим. — Гапнинг нимаси ёлгон, ака? — Бу гапни эллик йил олдин айтганингизда, ишонардим. Уша 60-70-йилларда бундай гаплар бўларди. Дадам Анвар Муқимов ҳам ёзувчи эди. Кичкина ҳажда китоб чиқаришганда, қалам ҳақига “Москвич” машинаси сотиб олганди. Ундан кейин бўлган воқеалар сизга маълум: машина сотиб, китоб чиқариш русумга айланиб кетди. Шундай шароитларга тушган ёзувчиларимиз ёши ҳақда эмас, асарини қаерда китоб қилиб чиқариш, уни тарқатиш, сотиш — қарзга ботмай пулини ўрнига қўйиш қайғуси билан яшаб келаётганди...

Сизнинг бу гапларингизни тушимда эшитаётгандай бўляпман. Яна камига, “Уйингизга бориб, шартнома тузиб келишад, пулини олдиндан тўлаймиз”, деганингиз ортиқча!

— Ака-ей! — Пўлатжон кулди. — Сиз кўлёмани ташлаб беринг, бу ёғини кейин гаплашамиз.

Ишониб-ишонмай, аммо “Хайрли ёлгон. Ҳеч бўлмаганда кўлёмаларни тўлаб, тартибга солиб қўяман-ку”, деган ҳаёлда ишга киришиб, бир ҳафта, ўн кунда китобни тайёр қилдим. Айтилган манзилга юбордим ҳам.

Бир ҳафта ўтиб-ўтмай, кўнғироқ бўлди: — Китоб тайёр. Босмахоҳонага тушириб юборишдан олдин кўрасизми деб сизга жўнатдим. Бир кўз ташлаб берасизми? Бунисига нима дейсиз энди! Ҳаяжон билан компьютерга юзландим: “Саид Анвар. “Осмондан тушган одамлар” — росмана ҳажвия, комедиялардан иборат китоб нусхаси кўз олдимда турибди-да!

— Зўрсизлар-ку! — дедим. — Фақат лотин алифбосида экан, бу ҳарфларга аранг тишим ўтади. Уларнинг диққат қиларсизлар. Мундарижасини ўқидим: бўлади. Аммо “аннотация”да “Саид Анвар, Незмат Аминов, Саид Аҳмад, Анвар Муқимов, Анвар Обиджондан

кейин...” деб бошланувчи жумла бор экан... Шу ўринда Саид Аҳмад ака — катта устоз номини олдинга олиш керак. Қолган ёзувчиларимиз у кишининг шогирдлари бўлади.

— Биламиз, ака, — Пўлатжон эътирозимни жавоблади. — Аммо “Саид Анвар, Саид Аҳмад...” десак, Саидлар қаторлашиб қоляпти... Шунга атай Незмат акани ўрталарингизга қўйгандим... Жуда катта хато эмас, шекилли, кетаверсин, ака? Аслида, энди буну тузатиб ҳам бўлмайди, кўлёмза босмахоҳонага тушиб кетган. Қолаверса, уни тайёрлаган “дизайнер”имиз узоқ сафарда эди...

— Бўлди, бўлди! — ўзимча икки қўлимни тепага кўтардим. — Жуда ноқулай бўлди-да.



Шу гаплардан кейин ҳам ишон-қирамайман-да! Аммо уч-тўрт кун бу гапларнинг қувончи билан юрдим. Яна Пўлатжондан кўнғироқ бўлди: — Э, ака, кўлёмани маза қилиб ўқидик. Айниқса, “Яхшиям пул бор жаҳонда” номли ҳажвиянгизни жамоа билан ўқиб, кулавериб ётиб қолдик! Энди, ака,

“Нималар бўляпти ўзи? — ўйлайман ўзимча шубҳа-ғумон билан. — Ишонмай десам, ҳажвиямнинг номини тўғри айтяпти... Ишонай десам... Томдан тараша тушгандай бир йўла иккита китобга буюртма! Ҳа-а-а...”. — Бу китобларимиз Президентимизнинг ҳар йили 100 номдаги катталар учун, 50 номдаги болалар учун китоб нашр қилиш борасидаги ташаббусига кўра нашр қилинади-да! — дедим калламга келган фикрдан жонланиб.

— Бу китобларимиз Президентимизнинг ҳар йили 100 номдаги катталар учун, 50 номдаги болалар учун китоб нашр қилиш борасидаги ташаббусига кўра нашр қилинади-да! — дедим калламга келган фикрдан жонланиб.

— Худди шундай, ака, — Пўлатжондан жавоб бўлди. — Президентимизнинг ашоқ бўлиши билан ил-ҳомланиб, биз ҳам қатор китобларни ҳомийларимиз ёрдамида нашр қилиб, кутубхоналарга, мактабларга текин тарқатишни режалаштирганмиз. Ҳаракат қилиб кўринг, “100 номдаги китоб”га кириб қолсангиз, янаям зўр бўларди!

— Отангизга раҳмат! — дедим қувониб. — Энди шу, укажон, китобнинг номини ўзгартирсак... “Яшасин фонограмма” номли китобим “ШАРҚ” нашриётида нашр қилинганди...

— Йўқ, ака, ўзгартириб бўлмайди. Юқоридан келган рўйхатда китобингиз шу ном билан чоп этилиши кўзда тутилган. Рўйхатга ўзгартириш киритиш менинг қўлимдан келмайди. Бу рўйхатда кўллаб ёзувчиларнинг номи бор.

“Нималар бўляпти ўзи? — ўйлайман ўзимча шубҳа-ғумон билан. — Ишонмай десам, ҳажвиямнинг номини тўғри айтяпти... Ишонай десам... Томдан тараша тушгандай бир йўла иккита китобга буюртма! Ҳа-а-а...”.



“Нималар бўляпти ўзи? — ўйлайман ўзимча шубҳа-ғумон билан. — Ишонмай десам, ҳажвиямнинг номини тўғри айтяпти... Ишонай десам... Томдан тараша тушгандай бир йўла иккита китобга буюртма! Ҳа-а-а...”.

— Бу китобларимиз Президентимизнинг ҳар йили 100 номдаги катталар учун, 50 номдаги болалар учун китоб нашр қилиш борасидаги ташаббусига кўра нашр қилинади-да! — дедим калламга келган фикрдан жонланиб.

— Худди шундай, ака, — Пўлатжондан жавоб бўлди. — Президентимизнинг ашоқ бўлиши билан ил-ҳомланиб, биз ҳам қатор китобларни ҳомийларимиз ёрдамида нашр қилиб, кутубхоналарга, мактабларга текин тарқатишни режалаштирганмиз. Ҳаракат қилиб кўринг, “100 номдаги китоб”га кириб қолсангиз, янаям зўр бўларди!

— Отангизга раҳмат! — дедим қувониб. — Энди шу, укажон, китобнинг номини ўзгартирсак... “Яшасин фонограмма” номли китобим “ШАРҚ” нашриётида нашр қилинганди...

— Йўқ, ака, ўзгартириб бўлмайди. Юқоридан келган рўйхатда китобингиз шу ном билан чоп этилиши кўзда тутилган. Рўйхатга ўзгартириш киритиш менинг қўлимдан келмайди. Бу рўйхатда кўллаб ёзувчиларнинг номи бор.

Қолаверса, у китобингиз кирилл алифбосида чоп этилган, буниси лотинчада чиқади.

— Майли... — Ака, шартнома тузгани боришдими? Паспорт нусхасини, пластик картангизнинг рақамларини жўнатгандигиз-а? Иккала китобингизга бир йўла шартнома тузишга керак. — Ўзим бораман шартнома тузгани, манзилларингизни айтиб юборинг. — Йўқ, ака, ўзлари уйингизга боришади. Сиз фақат ижодни, ёзишни ўйланг, ака!

Қулоққа жудаям хуш ёқадиган гаплар.

Шу жойда андак яна шубҳа-ғумон оралади: нашриёт манзилини айтмаяпти-да! Демак...

Аммо уч-тўрт кун ўтиб, яна кўнғироқ қилишди:

— Мен, нашриёт директори ўринбосари Баҳодир Иброҳимов бўлман. Иккала китобингизга бир йўла шартнома тузгани уйингизга ўтмоқчи эдик, қаерда турасиз?

Айтдим. Баҳодиржон шартномалар билан келди. Ҳақ-ҳуқуқларимнинг ҳаммаси ёзилган. Шартномаларга имзо қўйдим.

— Бу ишларингни ёзаман, — дедим. — Зўр савоб ишни бошлабсизлар.

— Майли-ю, аммо нашриётимиз номини келтирмасангиз...

— Нера?

— Ўзингиз савоб иш деяпсиз, “Мен ундок қилдим, бундоқ қилдим”, деб мактансак, миннатга ўхшаб қолмайдимиз? Миннатли савобни қилгандан қилмаган афзал, дейдилар... Унинг устига, — Баҳодиржон кулди, — энди-энди тахририятда ишларимизни кенгайтирагимиз, кўз тегиб қолмасин яна!

Баҳодиржоннинг бу гапига ҳам қойил қолдим.

Ёзувчиларимизга ҳам кун туққанига амин бўлдим. Президентимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, китоб чиқаришдек савобни ишга қўл урган азаматларга раҳматлар айтдим.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахоҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146. 43313 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Гулчиҳра Дурдиева Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй